

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

71 **Айрим бюджет ташкилотлари ходимлари баъзи тоифа-
ларининг лавозим разрядларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сон қарорини бажариш юзасидан, малакали кадрларнинг ўрнашиб қолиши ва улар қўнимсизлигининг олдини олиш, шунингдек айрим бюджет ташкилотларининг бухгалтерлари, иқтисодчилари ва юрисконсультлари (юристарлари)нинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Айрим бюджет ташкилотларининг бухгалтерлари, иқтисодчилари ва юрисконсультлари (юристарлари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим разрядлари иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2013 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Бюджет ташкилотлари раҳбарларига бухгалтерлар, иқтисодчилар ва юрисконсультлар (юристарлар)га ушбу лавозимларда ишлашнинг узлуксиз стажидан, шунингдек юкланган функционал вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишидан келиб чиқиб меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида лавозим маошининг (тариф ставкасининг) 10 фоизигача миқдорида устама белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бюджет ташкилотларига бухгалтерлар, иқтисодчилар ва юрисконсултлар (юристлар)га устамалар белгилаш бўйича тавсияларни етказсин.

3. Белгилансинки, бухгалтерлар, иқтисодчилар ва юрисконсултлар (юристлар)га меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича янги лавозим разрядлари ва лавозим маошининг (тариф ставкасининг) 10 фоизгача миқдорда устама жорий этиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар 2013 йилда тегишли бюджет ташкилотларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича умумий тежам ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2014 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳар йилги параметрларини шакллантиришда ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 7 февраль,
33-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 7 февралдаги 33-сон қарорига
ИЛОВА

**Айрим бюджет ташкилотларининг бухгалтерлари,
иқтисодчилари ва юрисконсултлари (юристлари)
меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича
ЛАВОЗИМ РАЗРЯДЛАРИ**

Т/р	Мутахассислар ва хизматчиларнинг лавозимлари номи	ЯТС бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разряди
1.	Бухгалтер, иқтисодчи, юрисконсулт (юрист)	6
2.	2-тоифали бухгалтер, 2-тоифали иқтисодчи	7
3.	1-тоифали бухгалтер, 1-тоифали иқтисодчи, катта юрисконсулт (юрист)	8
4.	Етакчи бухгалтер, етакчи иқтисодчи, етакчи юрисконсулт (юрист)	9

Изоҳ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган муассасаларнинг бош бухгалтерларига (бош бухгалтер ҳуқуқи билан ишловчи бухгалтерларга) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва манфаатдор идоранинг қўшма қарори билан белгиланади.

2. Жадвалда кўрсатилган лавозимларга ходимнинг лавозим функцияларини аниқлаштирадиган ҳосила номлар (масалан: «Бухгалтер-тафтишчи», «Ҳисоб-китоб бухгалтери», «Моддий бухгалтер», «Бухгалтерия ҳисоби бўйича иқтисодчи» ва бошқалар) қўлланилиши мумкин.

3. Ушбу лавозим разрядлари улар учун тариф разрядлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа қарорлари ёки уларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва манфаатдор идоранинг қабул қилинган қўшма қарорлари билан белгиланган мутахассисларга — бухгалтерлар, иқтисодчилар, юрисконсультлар (юристлар)га татбиқ этилмайди.